



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3638
2025 - yil 07 - Iyul

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ISTIQBOLLI LOYIHALAR
MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUIRUG'I**

**Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка
асосланган ўйинларни, лотерея ташкил этиш ва букмекерлик
фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
Ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПФ–68-сон “Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 6 декабрдаги 814-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 19 апрелдаги ПФ–68-сон Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ буюраман:

1. Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни, лотерея ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Direktor
25-Iyun 2025-yil
11 son



LI DMITRIY ROMANOVICH

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий
агентлиги директорининг 2025 йил 25 июндаги 11-сон
буйруғига
ИЛОВА

**Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни, лотерея ташкил этиш
ва букмекерлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни, лотереяларни ташкил
этиш ҳамда букмекерлик фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

букмекерлик фаолияти – букмекерлик гаровларини тузиш ва ўтказиш фаолияти;

букмекерлик гарови – букмекерлик фаолияти ташкилотчиси ва ўйинчи ўртасида маълум бир ҳодиса (спорт мусобақаси, танлов, табиат ҳодисаси ва бошқалар) содир бўлиши тўғрисида келишувни ўз ичига олган таваккалчиликка асосланган ўйин тури бўлиб, унда ютуқнинг ҳажми (миқдори) ўйинчининг олдиндан тузилган кўрсаткич бўйича аниқ бир воқеанинг ҳақиқий натижасига мос келадиган башорати натижасида аниқланади;

ўйин ускуналари – Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинлар ҳамда лотереяларни ташкил этиш, ўтказиш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун мўлжалланган дастурий таъминот, аппарат ва техник воситалар

мажмуи;

Интернет бутунжаҲон ахборот тармоғидаги таваккалчиликка асосланган ўйинлар (бундан буён матнда Интернет тармоғидаги ўйинлар деб юритилади) – Интернет бутунжаҲон ахборот тармоғида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиладиган ва ўтказиладиган таваккалчиликка асосланган ўйинлар тури, шу жумладан шу турдаги контентларни ташкил қилиш ва трансляция қилиш;

ахборот тизими – лицензияловчи органнинг Интернет тармоғидаги ўйинларни, лотереяларни ташкил этиш ҳамда букмекерлик фаолиятини лицензиялашни масофавий шаклда амалга ошириш учун мўлжалланган ахборот тизими;

охирги бенефициар мулкдор – Интернет тармоғидаги ўйинларни, лотереяларни ташкил этиш ҳамда букмекерлик фаолияти ташкилотчисини бевосита ёки билвосита таъсис этувчи ёхуд унинг устав жамғармасидаги (капиталидаги) 25 фоиз ва ундан ортиқ миқдордаги улушларига (акцияларига) бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи ёхуд ушбу шахсга бевосита ёки билвосита эгалик қиладиган ёхуд уни назорат қиладиган жисмоний шахс;

лицензияловчи орган – Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги;

лотерея – ўйин чипталарини тарқатиш йўли билан жисмоний шахслардан ихтиёрий равишда пул маблағларини жалб қилишни назарда tutувчи таваккалчиликка асосланган ўйин тури;

асослантирилган мулоҳаза – қонунчиликда белгиланган талабларга қўшимча равишда лицензияловчи орган томонидан қўлланиладиган, кўриб чиқиладиган масаланинг ҳақиқий мазмуни расмий мазмунидан устуворлигини назарда tutувчи профессионал баҳолаш;

букмекерлик фаолияти ташкилотчиси – букмекерлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган юридик шахс;

Интернет тармоғидаги ўйинлар ташкилотчиси – Интернет тармоғидаги ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган юридик шахс;

лотереялар ташкил этиш бўйича фаолият ташкилотчиси – лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахс.

2. Интернет тармоғидаги ўйинларни, лотереяларни ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятини лицензиялаш лицензияловчи орган томонидан ушбу Низомнинг 1-илоvasида келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3. Интернет тармоғидаги ўйинларни, лотереяларни ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятини амалга ошириш учун фақат Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларга 5 йил муддатга намунавий (оддий) лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) берилади.

4. Лицензияланадиган фаолият турлари қуйидагилардан иборат:

Интернет тармоғидаги ўйинларни ташкил этиш фаолияти;

лотереяларни ташкил этиш фаолияти;

букмекерлик фаолияти.

5. Лицензия ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури учун алоҳида берилади.

6. Юридик шахс бир вақтнинг ўзида мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган фаолият турларини амалга ошириш учун бир нечта лицензияларга эга бўлиш ва улар асосида фаолият юритиш ҳуқуқига эга.

7. Интернет тармоғидаги ўйинларни, лотереяларни ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи лицензия берилган пайтдан бошлаб кучга киради.

8. Лицензияни бошқа юридик шахсга ўтказиш, шу жумладан фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини бериш, лицензияга бўлган ҳуқуқларни шартнома орқали бериш ва (ёки) улардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тақиқланади.

2-боб. Лицензия талаблари ва шартлари

9. Қуйидагилар Интернет тармоғидаги ўйинларни, лотереяларни ташкил этиш ҳамда букмекерлик фаолиятини амалга оширишга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) фаолиятнинг фақат Ўзбекистон Республикасининг резидентлари – юридик шахслар томонидан амалга оширилиши;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги серверларда жойлашган электрон платформа мавжудлиги;

в) Интернет тармоғида ўйинларни ва лотерея ташкил этиш фаолияти ҳамда букмекерлик фаолияти ташкилотчилари фақат мазкур фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли. Бунда бир пайтнинг ўзида Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ва лотереялар ташкил этиш фаолиятини ва букмекерлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳар бир фаолият тури учун алоҳида лицензия олиш мумкин;

г) ариза берилган санада маблағ шаклида шакллантирилган қуйидаги устав капитали мавжудлиги:

Интернет тармоғида ўйинлар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчиси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир юз эллик минг баравари миқдорида;

лотерея ташкилотчиси – базавий ҳисоблаш миқдорининг камида эллик беш минг баравари миқдорида.

Устав капиталини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва мажбуриятлар юклатилган бошқа маблағлардан, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган маблағлардан фойдаланиш тақиқланади;

д) ютуқлар бўйича қарздорликни тўлаш, ставкаларни қайтариб бериш, солиқ мажбуриятлар ва бошқа қарздорликларни қоплаш мақсадида;

Интернет тармоғида ўйинлар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчиси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг камида етмиш беш минг баравари миқдорида, лотерея ташкилотчиси – базавий ҳисоблаш миқдорининг камида қирқ минг баравари миқдорида маблағ шаклида резерв фондини лицензияловчи органнинг Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкида алоҳида ҳисобварақда захирага қўйиш;

мазкур банднинг иккинчи хатбошисида белгиланган тегишли суммага банк кафолати ёки суғурта ташкилотининг суғурта полисини тақдим қилиш;

е) Интернет тармоғида ўйинлар ва лотерея ташкил этиш фаолияти ҳамда букмекерлик фаолиятини амалга ошириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалишини молиялаштиришга қарши курашиш, шахсга доир маълумотларни сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳамда реклама соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

ж) лицензиат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ маълумотларни ваколатли органнинг сўровига биноан бепул тақдим этиш;

з) Интернет жаҳон ахборот тармоғи миллий сегментидаги фақат битта домен номидан фойдаланган ҳолда фаолиятни амалга ошириш;

и) Интернет тармоғида ўйинлар ва лотерея ташкил этиш фаолияти ҳамда букмекерлик фаолияти ташкилотчиларини бошқариши:

террористик фаолиятда ёки оммавий қирғин қуроллари тарқатишда иштирок этган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар томонидан;

иқтисодий жиноятлар, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризм, оммавий қирғин қуроллари тарқатиш, уларни молиялаштириш, уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси, коррупция ва ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун гумонланаётган ёки судланганлиги олиб ташланмаган ёхуд судланганлик ҳолати тугалланмаган шахслар томонидан;

якка ҳолда ижро этувчи орган функцияларини бажарган, коллегиял ижро этувчи орган таркибига кирган, Интернет тармоғида ўйинларни ва лотереялар ташкил этиш фаолиятини ёки букмекерлик фаолиятни амалга оширган юридик шахсларнинг, ушбу шахсларнинг айби билан йўл қўйилган лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги учун кўрсатиб ўтилган юридик шахсларда фаолиятнинг тегишли турини амалга оширишга берилган лицензияларнинг амал қилиши тўхтатилган пайтда, агар бундай тўхташ пайтидан бошлаб уч йилдан кам вақт ўтган бўлса, муассислари ёки бош ҳисобчилари бўлган шахслар томонидан;

юридик шахс банкрот деб эътироф этилган пайтда ва эътироф этилган пайтдан бошлаб икки йил ўтмаган бўлса, якка ҳолда ижро этувчи орган функцияларини бажарган ёки коллегиял ижро этувчи орган таркибига кирган шахслар томонидан йўл қўймаслик;

к) Интернет тармоғида ўйинлар, лотереялар ташкил этиш фаолияти ҳамда букмекерлик фаолияти ташкилотчиларининг устав капиталида қуйидагиларнинг мулкдори ва (ёки) охири бенефициар мулкдори:

мазкур банднинг “и” кичик бандида кўрсатилган шахсларнинг;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий ҚирҒин Қуролини тарқатишни молиялаштиришга Қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда рўйхатдан ўтган компаниялар ҳамда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахсларнинг бўлишига (иштирок этишига) йўл қўймаслик;

л) мазкур банднинг “и” ва “к” кичик бандларида кўрсатилган шахсларнинг Интернет тармоғида ўйинлар ва лотереялар ташкил этиш фаолияти ҳамда букмекерлик фаолияти ташкилотчиларини бош ҳисобчи сифатида ишга қабул қилмаслик;

м) таъсисчилари бўлган юридик шахсларнинг ҳаддан ташқари (охирги бенефициар мулкдоргача урта поёнадан кўп) даражаларга табақалаштирилган Интернет тармоғида ўйинларни ва лотерея ташкил этиш фаолияти ҳамда букмекерлик фаолияти ташкилотчиси фаолиятига йўл қўймаслик;

н) Интернет тармоғида ўйинлар, букмекерлик гаровларида иштирок этиш учун маблағларни қабул қилиш, лотерея чипталарини сотиб олиш ва ютуқларни тўлашни фақат Ставкалар ва ўйинчиларнинг ягона давлат регистри орқали амалга ошириш;

о) Интернет тармоғида ўйинлар, букмекерлик гаровлари ва лотерея чипталарини сотиб олиш учун маблағларни киритиш бўйича белгиланган лимитлар ҳамда Интернет тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни, лотереялар ташкил этиш ҳамда ўтказиш ва букмекерлик фаолиятидаги тақиқларга риоя қилиш;

п) Интернет тармоғида ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчисининг устав капиталидаги улушини жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан, норезидентларга реализация қилиш масалаларини лицензияловчи орган билан келишиш;

р) Интернет тармоғида ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчисининг раҳбарияти (директори ва унинг ўринбосарлари), бош ҳисобчи, жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий Қирғин Қуролларининг тарқалишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича таркибий бўлинма раҳбарини ўзгартириш масалаларини лицензияловчи орган билан келишиш.

10. Лотереялар ташкилотчиларига қўйиладиган қўшимча лицензия талаблари ва шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) чиқарилаётган ва муомаладаги ўйин чипталари ҳажми фаолиятнинг биринчи йили мобайнида – лицензиат ўз сармоясининг беш бараваридан, фаолиятнинг иккинчи йили мобайнида – ўн бараваридан ва фаолиятнинг кейинги йилларида – йигирма беш бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак. Лицензиатнинг ўз сармояси миқдори етарли бўлмаган тақдирда, лотереялар мўлжалланаётган ҳажмда фақат молия ташкилотларининг зарур миқдорларда таъминлаш кафолати мавжуд бўлганда ўтказилиши мумкин;

б) ўйинларни фақат мазкур Низомнинг 2-иловасида белгиланган тегишли мувофиқликни баҳолаш бўйича органларнинг ва синов лабораторияларнинг сертификатига эга ютуқли чипталарни тасодифий танлаб олиш жараёнига инсон омилининг бирон-бир таъсирини тўлиқ истисно қилувчи технологиялар ва жиҳозларни, шу жумладан, тасодифий рақамлар генераторини қўллаган ҳолда ўтказиш;

в) ютуқли лотерея чипталари ишлаб чиқариш давомида аниқланадиган ёхуд бир ёки бир неча чипталар учун қисман ўйинлар ўтказиладиган тиражсиз лотереяларни ўтказмаслик.

11. Хизматларни кўрсатиш учун фойдаланаётган ўйинларнинг дастурий таъминоти мазкур Низомнинг 2-иловасида белгиланган тегишли мувофиқликни баҳолаш бўйича органларнинг ва синов лабораторияларнинг сертификатига эга бўлиши Интернет тармоғидаги ўйинлар ташкилотчисининг қўшимча лицензия талаби ва шарти ҳисобланади.

12. Интернет тармоғидаги ўйинларни, лотереяларни ташкил этиш ҳамда букмекерлик фаолияти ташкилотчиларининг номланиши ёки рамзларида “давлат”, “давлат томонидан таъминланган”, “давлат томонидан қўллаб-қувватланган”, “Ўзбекистон”, “миллий” ҳамда республика шаҳарларининг номларини тўлиқ ёки қисқартирилган шаклда, уларнинг бирликларидан фойдаланган ҳолда, исталган тилда ва ҳар қандай шаклда ишлатиш тақиқланади.

3-боб. Лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

13. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни ахборот тизими орқали тақдим этади:

а) юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидаги домен номи, электрон почта манзили, банкнинг номи ва банкдаги ҳисобварағи, лицензияланадиган фаолиятнинг тури, ариза тўлдириш сабаби (янги лицензия олиш, ўзгартириш ёки қайта расмийлаштириш), лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиши тўғрисидаги розилиги акс эттирилган ариза;

б) лицензия талабгорининг мулки, бошқарув ва шахсий таркиби тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;

в) лицензия талабгорининг раҳбарияти (раҳбар, унинг ўринбосарлари) ва таъсисчи ҳақидаги мазкур Низомнинг 3-илоvasида келтирилган маълумотлар. Бунда, таъсисчилар ҳақидаги маълумотлар охириги бенефициар мулкдоргача – жисмоний шахсга кўрсатилади;

г) лицензия талабгорининг раҳбарияти (раҳбар, унинг ўринбосарлари) ва таъсисчилари чет эл фуқаролари бўлганда, мазкур Низомнинг 9-банди “и” кичик бандида назарда тутилган жинойтлар бўйича белгиланган тартибда легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган тегишли хорижий мамлакатнинг ваколатли органидан олинган судланмаганлиги ҳақидаги маълумотнома ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тартибда тасдиқлаган таржимаси;

д) тижорат банкининг Қуйидаги маълумотномаси:

устав фонди (капитали) шакллантирилганлиги;

Интернет тармоғидаги ўйинлар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчиси учун базавий Ҳисоблаш миқдорининг камида етмиш беш минг баравари миқдорида, лотерея ташкилотчиси учун базавий Ҳисоблаш миқдорининг камида Қирқ минг баравари миқдоридаги маблағлар шаклида резерв фонди захирага қўйилганлиги;

е) ушбу Низомга мувофиқ банк кафолати ёки суғурта ташкилотининг суғурта полиси;

ж) Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидаги домен номига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

и) ўйин ускуналарини етказиб берувчилар тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотлар, уларнинг лицензиялари (агар мавжуд бўлса);

к) Интернет тармоғидаги ўйинлар ва лотереяларни ташкилотчилари томонидан фойдаланиладиган ўйин ускуналарининг сертификатланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

14. Лицензия талабгорининг раҳбарияти (раҳбар, унинг ўринбосарлари) ва таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлганда, лицензияловчи орган мазкур Низомнинг 9-банди “и” кичик бандида назарда тутилган ҳолатларни ўзи мустақил тарзда текширади.

15. Лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар лицензия талабгорининг раҳбари томонидан тасдиқланиши (имзоланиши) шарт.

Аризага илова Қилинадиган Ҳужжатлар ва маълумотлар ўқиш мумкин бўлган юқори сифатда “PDF”, “PNG” ёки “JPEG” форматларда бўлиши лозим.

16. Қабул қилинган аризалар тўғрисидаги маълумот лицензияловчи органнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

4-боб. Аризани кўриб чиқиш, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида Қарор Қабул Қилиш

17. Лицензияловчи орган томонидан лицензия олиш учун тақдим этилган Ҳужжатларни кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

18. Лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги Қарор лицензия талабгорининг аризаси Қабул Қилинган кундан эътиборан Қирқ иш куни ичида Қабул Қилинади.

19. Лицензияловчи орган қуйидаги муддатларда:

ўттиз иш кунидан ошмайдиган муддатда тақдим этилган Ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда лицензия бериш ёки рад этиш тўғрисида хулоса тайёрлайди;

тўққиз иш кунидан ошмайдиган муддатда лицензия бериш ёки рад этиш тўғрисида Қарор Қабул Қилади.

20. Лицензияловчи орган тегишли Қарор Қабул Қилинган кундан бошлаб бир иш куни ичида лицензия талабгорини Қабул Қилинган Қарор тўғрисида хабардор Қилади.

Лицензия беришга Қарор Қабул Қилинганлиги Ҳақидаги хабарнома лицензия талабгорига банк ҳисобрақами реквизитлари ва давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган Ҳолда юборилади.

21. Лицензия лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида расмийлаштирилади.

22. Лицензия QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда электрон шаклда расмийлаштирилади ҳамда лицензияловчи органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Электрон шаклда берилган лицензия манфаатдор шахслар томонидан ҚоҒозда чоп этилиши мумкин. Бунда, ҚоҒозда чоп этилган лицензиялар электрон шаклда берилган лицензияларга тенглаштирилади.

23. Агар лицензиат лицензия берилиши тўғрисида Қарор Қабул Қилинганлиги Ҳақида хабарнома олган кундан бошлаб ўттиз кун ичида давлат божи тўламаган тақдирда, лицензияловчи орган лицензияни бекор Қилиш Ҳақида Қарор Қабул Қилишга Ҳақлидир.

24. Лицензияни бериш тўғрисидаги аризани рад этиш учун Қуйидагилар асос бўлади:

ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган Ҳужжатларнинг лицензия талабгори томонидан тўлиқ бўлмаган Ҳажмда тақдим этилганлиги;

лицензия талабгорининг лицензия талаблари ҳамда шартларига мувофиқ эмаслиги;

бир йил муддатга лицензияни олиш ёки суднинг Қарорига (Ҳукмига) асосан шахсга нисбатан муайян фаолият тури билан шуғулланиш тақиқланганлиги;

лицензия талабгори томонидан тақдим этилган Ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги;

талабгорнинг мансабдор шахслари ва (ёки) таъсисчиларнинг мазкур Низомнинг 9-банди “и” кичик бандида назарда тутилган жинойтларда иштирок этганлиги ёки иштирок этишда гумонланаётганлиги Ҳақида маълумотлар мавжудлиги;

лицензияловчи органнинг асослантирилган мулоҳазаси.

Лицензияни беришни бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

25. Лицензия бериш рад этилган тақдирда, лицензия талабгори лицензия олиш учун такроран ушбу Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда ариза ва ҳужжатларни тақдим этиши мумкин. Бунда, лицензияловчи орган аризани умумий асосларда кўриб чиқади.

5-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш

26. Лицензиат – юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтганидан кейин бир иш куни ичида лицензияловчи органга, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

27. Янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида айна бир фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар – тадбиркорлик субъектлари қўшиб юборилган тақдирда, лицензияни мазкур Низомнинг 36-бандида белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

28. Лицензияни қайта расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатлар лицензиат томонидан мазкур Низомнинг 3-бобида назарда тутилган тартибда берилади.

29. Лицензия қайта расмийлаштирилгунига қадар, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси асосида унда кўрсатилган фаолиятни амалга оширади.

30. Лицензия қайта расмийлаштирилаётганда, лицензияловчи орган томонидан лицензиялар электрон реестрига (бундан буён матнда лицензиялар реестри деб юритилади) тегишли ўзгартиришлар киритади.

31. Лицензияни қайта расмийлаштирганлик учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунида белгиланган миқдорда йиғим ундирилади.

32. Лицензияни қайта расмийлаштириш ҳамда бериш лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияловчи орган томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

6-боб. Лицензияни ўзгартириш

33. Лицензияда кўрсатилган домен номи ўзгарган тақдирда, лицензия ўзгартирилиши лозим.

34. Домен номи ўзгарган тақдирда, лицензиат уч иш куни ичида лицензияни ўзгартириш тўғрисидаги аризани тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияловчи органга тақдим этиши керак.

35. Лицензияни ўзгартириш учун зарур бўлган ҳужжатлар лицензиат томонидан ушбу Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда тақдим этилади.

36. Лицензия ўзгаргунига қадар, лицензиат лицензияни ўзгартириш тўғрисидаги аризаси асосида унда кўрсатилган фаолиятни амалга оширади.

37. Лицензия ўзгартирган тақдирда, лицензияловчи орган томонидан лицензиялар реестри тегишли ўзгартиришлар киритилади.

38. Лицензияни ўзгартирганлик учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи тўланади.

39. Лицензияни ўзгартириш ва бериш лицензияни ўзгартириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда келиб тушган кундан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

7-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва лицензияни бекор қилиш

40. Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилганлиги аниқланганда;

лицензиат томонидан лицензияловчи органнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини унинг зиммасига юкловчи қарори бажарилмаганда.

41. Лицензиянинг амал қилишини ўн кунгача муддатга тўхтатиб туриш лицензияловчи орган томонидан, ўн кундан ортиқ, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга эса суд томонидан амалга оширилади.

42. Лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар лицензиат томонидан бартараф этилиши муддатини белгилаши шарт. Бунда, кўрсатилган муддат лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

43. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори лицензиатга лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш сабаблари ва қонунчиликнинг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай юборилади.

44. Белгиланган муддат ичида лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлган сабаб ва камчиликлар бартараф қилинмаса, лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддатини узайтириш бўйича ёки лицензияни бекор қилиш ҳақида судга даъво ариза киритади.

45. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар лицензиат томонидан бартараф этилган тақдирда, лицензиат бу ҳақда лицензияловчи органга тасдиқнома юборади.

Лицензияловчи орган тасдиқнома олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

46. Лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг, бир иш кунидан ошмаган муддатда лицензиялар реестрида лицензиянинг амал қилиши қайта тикланганлиги ҳақидаги маълумотни жойлаштиради.

47. Агар лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш ҳақида ёки қайта тиклашни рад этиш тўғрисида уч иш куни ичида қарор қабул қилмаса, лицензиат мазкур муддат ўтгандан сўнг лицензияловчи органни хабардор қилган ҳолда ўз фаолиятини давом эттириши мумкин.

48. Лицензиат ўз фаолиятини вақтинча тўхтатиб турган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш ҳақида лицензияловчи органга ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Агар лицензиат лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганидан кейин олти ой ичида лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида лицензияловчи органга ариза билан мурожаат этмаган бўлса, лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

49. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш тўғрисидаги ахборот тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш куни ичида лицензиялар реестрига жойлаштирилиши керак.

50. Лицензиянинг амал Қилиши Қуйидаги Ҳолларда тугатилади:

лицензиялаш тартиби бекор Қилинганда;

лицензиат томонидан лицензияловчи органга лицензиянинг амал Қилишини олти ойгача тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан илгари мурожаат этилган бўлиб, мазкур муддат ичида лицензиянинг амал Қилишини Қайта тиклаш тўғрисида лицензияловчи органга ариза билан мурожаат Қилинмаган тақдирда.

Лицензиянинг амал Қилиши тугатилган Ҳолларда лицензияловчи орган томонидан лицензиянинг амал Қилиши тугатилганлиги тўғрисида Қарор Қабул Қилиш талаб этилмайди.

51. Лицензия Қуйидаги Ҳолларда бекор Қилинади:

лицензиат лицензияни бекор Қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат этганда;

юримдик шахс тугатилганда – тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти Қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда – Қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек янгидан вужудга келган юримдик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида Қайта ташкил этилаётган юримдик шахсда фаолиятнинг айнаи бир лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия мавжуд бўлган тақдирда Қўшиб юборилиши мустасно;

лицензия берилганлиги учун давлат божи белгиланган муддатда тўланмаганда;

лицензиат лицензиянинг амал Қилишини тўхтатиб туришига олиб келган Ҳолатларни лицензияловчи орган ёки суд белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

лицензияловчи органнинг лицензияни бериш тўғрисидаги Қарорининг Қонунга хилофлиги аниқланганда;

лицензиат томонидан мазкур Низомнинг 55-бандида белгиланган лицензия талаблари ва шартлари мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба Қўпол равишда бузилганда;

лицензия Қалбаки Ҳужжатлардан фойдаланган Ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Ушбу банднинг еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган Ҳолларда бир йил давомида Қайтадан лицензия берилмайди. Мазкур талаб лицензиатнинг муассасаси ёки бенефициар мулкдори томонидан ташкил этиладиган янги тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

52. Лицензияни бекор қилиш мазкур Низомнинг 51-банди иккинчи – тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган Ҳолларда лицензияловчи органнинг Қарори асосида амалга оширилади.

Лицензия мазкур Низомнинг 51-банди бешинчи – саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган Ҳолларда суд томонидан бекор қилинади.

Лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай лицензиатга лицензияни бекор қилиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилиш асосларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган Ҳолда хабар юборади.

53. Лицензия ушбу Низомнинг 51-банди саккизинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра бекор қилинган тақдирда, у берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

54. Лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги Қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай лицензиатга лицензияни бекор қилиш асосларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган Ҳолда етказди.

Лицензияловчи орган бекор қилинган лицензиялар тўғрисидаги ахборотни бир иш куни ичида лицензиялар реестрига киритади.

55. Лицензия талаблари ва шартларини бир маротаба қўпол равишда бузилишларига қуйидагилар киради:

а) ушбу Низомнинг 9-банди “в” кичик бандида назарда тутилмаган фаолиятни амалга ошириш;

б) лицензиатни:

террористик фаолиятда ёки оммавий қиргин қуролларини тарқатишда иштирок этган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган;

иқтисодий жиноятлар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризм, оммавий қиргин қуролларини тарқатиш, уларни молиялаштириш, уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси, коррупция ва ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун судланганлиги олиб ташланмаган ёки ўталмаган шахслар;

якка ҳолда ижро этувчи орган функцияларини бажарган, коллегиал ижро этувчи орган таркибига кирган, Интернет тармоғида ўйинларни ва лотереялар ташкил этиш фаолиятини ёки букмекерлик фаолиятни амалга оширган юридик шахсларнинг, ушбу шахсларнинг айби билан йўл қўйилган лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги учун кўрсатиб ўтилган юридик шахсларда фаолиятнинг тегишли турини амалга оширишга берилган лицензияларнинг амал қилиши тўхтатилган пайтда, агар бундай тўхташ пайтидан бошлаб уч йилдан кам вақт ўтган бўлса, муассислари ёки бош ҳисобчилари бўлган шахслар;

юридик шахс банкрот деб эътироф этилган пайтда ва эътироф этилган пайтдан бошлаб икки йил ўтмаган бўлса, якка ҳолда ижро этувчи орган функцияларини бажарган ёки коллегиал ижро этувчи орган таркибига кирган шахслар томонидан

бошқарилиши;

в) устав жамғармасида (капиталида):

ушбу банднинг “б” кичик бандида кўрсатилган шахсларнинг;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий Қирғин Қуролини тарқатишни молиялаштиришга Қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда рўйхатдан ўтган компаниялар ҳамда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахсларнинг иштирок этиши;

г) кредит ёки гаровга олинган маблағлар ва бошқа маблағлардан Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчиларининг устав фондини (капиталини) шакллантириш учун фойдаланиш;

д) Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчилари устав фонди (капитали) миқдорини лицензия талаблари ва шартларида белгиланган миқдордан камайтириш;

е) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги серверларда электрон платформани жойлаштириш;

ж) Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчисининг устав капиталидаги улушини жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан норезидентларга реализация қилиш тўғрисида лицензияловчи орган билан келишмаслик;

з) ўйинларни фақат лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган тегишли мувофиқликни баҳолаш бўйича органларнинг ва синов лабораторияларнинг сертификатига эга ютуқли чипталарни тасодифий танлаб олиш жараёнига инсон омилининг бирон-бир таъсирини тўлиқ истисно қилувчи технологиялар ва жиҳозларни, шу жумладан, тасодифий рақамлар генераторини қўлламаган ҳолда ўтказиш;

и) Интернет тармоғидаги ўйинлар ташкилотчиси томонидан хизматларни кўрсатиш учун фойдаланаётган ўйинларнинг дастурий таъминоти лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган тегишли мувофиқликни баҳолаш бўйича органларнинг ва синов лабораторияларнинг сертификатиغا эга бўлмаслиги.

Мазкур банднинг “а” – “и” кичик бандларида кўрсатилмаган лицензия талаблари ва шартларининг бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба бузилишлари мунтазам равишда бузилишлар деб ҳисобланади.

8-боб. Айрим лицензия талаблари ва шартларини амалга оширишнинг махсус тартиби

56. Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчилари лицензияловчи орган билан қуйидагиларни қелишишлари лозим:

Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолиятини ташкилотчисининг устав капиталидаги ўз улушларини жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан норезидентларга реализация қилишни;

Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчисининг раҳбарияти (директори ва унинг ўринбосарлари), бош ҳисобчи, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича таркибий бўлинма раҳбарини ўзгартиришни.

57. Мазкур Низомнинг 56-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатларда Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчилари лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

а) юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), электрон почта манзили, банкнинг номи ва банкдаги ҳисобварағи, аризани тўлдириш сабаби (устав

капиталидаги улушни сотиш, раҳбариятни (директор ва унинг ўринбосари), бош ҳисобчи, жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий Қирғин Қурулларининг тарқалишини молиялаштиришга Қарши курашиш бўйича таркибий бўлинма раҳбарини алмаштиришга рухсат бериш);

б) жисмоний шахс, шу жумладан Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолиятини ташкилотчисининг устав капиталидаги улушини сотиб олиш ниятида бўлган потенциал олувчи Ҳақидаги маълумотлар (Ф.И.О., шахсни тасдиқловчи Ҳужжат рақами, ЖШШИР). Шунингдек, чет эл фуқаролари учун ушбу банднинг “г” кичик бандида назарда тутилган маълумотлар Қўшимча равишда тақдим этилиши керак;

в) Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчисининг устав капиталидаги улушини сотиб олиш ниятида бўлган ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги потенциал олувчи – юридик шахснинг раҳбарияти (раҳбар, унинг ўринбосарлари) ва таъсисчилари Ҳақидаги маълумотлар. Бунда, таъсисчилар Ҳақидаги маълумотлар охириги бенефициар мулкдорга Қадар кўрсатилиши керак;

г) Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчиси юридик шахснинг устав капитали улушини потенциал олувчи – юридик шахснинг раҳбарияти (раҳбар, унинг ўринбосарлари) ва таъсисчилари чет эл фуқаролари бўлганда, мазкур Низомнинг 9-банди “и” кичик бандида назарда тутилган жиноятлар бўйича белгиланган тартибда легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган тегишли хорижий мамлакатнинг ваколатли органидан олинган судланмаганлиги Ҳақидаги маълумотнома Ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тартибда тасдиқлаган таржимаси.

58. Лицензияловчи орган аризани Қабул Қилган кундан бошлаб ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда келишиш ёки келишишни рад этиш Ҳақида Қарор Қабул Қилади.

Бунда, мазкур Низомнинг 56-моддаси иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган шахслар лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ бўлган тақдирда, лицензияловчи орган томонидан уларни келишиш Ҳақида Қарор Қабул Қилинади. Агар

улар лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ эмас деб топилганда, уларни келишиш рад этилади.

59. Аризани кўриб чиқиш ва Қарор қабул қилиш учун йиғим ундирилмайди.

9-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

60. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат лицензияловчи орган томонидан Қонунчилик Ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

61. Лицензияловчи орган лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишда ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларга ҳақли:

Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчисидан Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти тўғрисидаги Қонунчилик Ҳужжатларига риоя этилишини талаб қилиш;

Қонунчиликда белгиланган тартибда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида юзага келадиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш муддатларини белгилаш;

Қонунчилик Ҳужжатларида белгиланган Ҳолларда лицензиянинг амал Қилишини тўхтатиб туриш ёки лицензияни бекор Қилиш масаласи бўйича Қарор чиқариш ва (ёки) судга мурожаат Қилиш.

10-боб. Лицензиялар реестри

62. Лицензияловчи орган лицензияланадиган фаолият турлари бўйича лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

юридик шахс – лицензиат номи, ташкилий-Ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), телефони;

ахборот ресурсининг (тизимнинг, платформанинг) домен номи;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, ўзгартириш, амал Қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, амал Қилишини тугатиш ҳамда бекор Қилиш асослари ва санаси.

63. Лицензиялар реестрида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади.

11-боб. Яқуний Қоидалар

64. Лицензияловчи органнинг лицензияни беришни рад этиш, амал Қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор Қилиш Ҳақидаги Қарорлари, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсларининг Ҳаракатлари (Ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда судга шикоят Қилиниши мумкин.

65. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар Қонунчиликка мувофиҚ жавобгарликка тортилади.

Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган
ўйинларни, лотерея ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятини лицензиялаш
тўғрисидаги низомга

1-ИЛОВА

**Интернет жаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолиятини
лицензиялаш
СХЕМАСИ**

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Лицензия талабгори	1. Лицензия олиш учун ариза ва тегишли Ҳужжатларни тайёрлайди. 2. Ариза ва тегишли Ҳужжатларни лицензияловчи органга юборади.	ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Лицензияловчи орган	Ариза ва тегишли Ҳужжатларни қабул қилиб олинади.	тақдим этилган кунда
3-босқич	Лицензияловчи орган	1. Ариза ва тегишли Ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	40 иш куни

	Лицензияловчи орган	1. Лицензия талабгори томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	30 иш куни
		2. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	9 иш куни
		3. Лицензия талабгорини лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.	1 иш куни
4-босқич	Лицензия талабгори	Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, давлат божини тўлайди.	лицензияловчи орган томонидан белгиланган муддатда
5-босқич	Лицензияловчи орган	1. Давлат божи тўланганидан сўнг, лицензияни расмийлаштириб беради ва ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради. 2. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланмаган тақдирда, лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.	3 иш куни лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганидан ўттиз кундан сўнг
6-босқич	Лицензиат	1. Лицензиат – юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда,	рўйхатдан ўтгандан сўнг 1 иш куни ичида

		тадбиркорлик субъекти ёхуд унинг ҳуқуқий вориси лицензияловчи органга лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза беради. 2. Янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида айна бир фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар – тадбиркорлик субъектлари қўшиб юборилган тақдирда, лицензияловчи органга лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза беради. 3. Лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза асосида унда кўрсатилган фаолиятни амалга оширади.	лицензия қайта расмийлаштирилгунига қадар
7-босқич	Лицензияловчи орган	1. Лицензияни қайта расмийлаштириш учун ариза ва тегишли ҳужжатлар тақдим қилинганда лицензияни қайта расмийлаштиради ва беради. 2. Лицензия қайта расмийлаштирилганлиги ҳақида лицензияларнинг электрон реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.	10 иш куни
8-босқич	Лицензиат	1. Домен номи ўзгарган тақдирда лицензиат лицензияловчи органга тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилинган ҳолда лицензияни ўзгартириш тўғрисида ариза беради. 2. Лицензияни ўзгартириш тўғрисидаги аризаси асосида унда кўрсатилган фаолиятни амалга оширади.	1 иш куни

9-босқич	Лицензияловчи орган	1. Лицензияни ўзгартириш учун ариза ва тегишли Ҳужжатлар тақдим қилинганда, лицензияни ўзгартиради ва беради. 2. Лицензия қайта расмийлаштирилганлиги ҳақида лицензияларнинг электрон реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.	10 иш куни
10-босқич	Лицензияловчи орган	1. Лицензияни амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва бекор қилиш тўғрисида Қарор қабул қилади ҳамда лицензиянинг амал қилишини тугатади. 2. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади.	белгиланган асослар юзага келганда доимий

Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни, лотерея ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга

2-ИЛОВА

Ўйин ускуналарини (дастурий таъминотларни) сертификатлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олинадиган мувофиқликни баҳолаш бўйича органларнинг ва синов лабораториялари РЎЙХАТИ

№	Ташкилот номи	Юридик манзили
1	Gaming Laboratories International (GLI)	600 Airport Road, Lakewood, NJ 08701, USA

2	BMM Testlabs	815 Pilot Road, Suite G, Las Vegas, NV 89119, USA
3	Quantum Computing Inc. (QCI)	215 Depot Court SE, Suite 215, Leesburg, VA 20175, USA
4	Underwriters Laboratories Inc. (UL LLC)	333 Pfingsten Road, Northbrook, IL 60062, USA
5	Technical Systems Testing (TST)	Suite 202, 1140 Homer Street, Vancouver, BC V6B 2X6, Canada
6	Gaming Associates Europe Ltd.	178 Merton High Street, London, England, SW19 1AY
7	eCommerce Online Gaming Regulation and Assurance (eCOGRA)	3rd Floor, One London Wall, London, EC2Y 5AB, United Kingdom
8	Intertek Group PLC	Cavendish Square, London, W1G 0PS, England
9	BSI (British Standards Institution)	389 Chiswick High Road, London, W4 4AL, United Kingdom
10	NMi Gaming	Vlijtseweg 9, 7317 AK Apeldoorn, Netherlands
11	SGS Société Générale de Surveillance SA (SGS SA)	Place des Alpes 1, 1201 Genève, Switzerland
12	Eurofins Scientific SE	23 Val Fleuri, L-1526 Luxembourg
13	Bureau Veritas SA (Bureau Veritas)	67 Boulevard du Château, 92200 Neuilly-sur-Seine, France
14	DNV AS	Veritasveien 1, 1363 Høvik, Norway

15	Software Quality Systems (SQS)	Stollwerckstraße 11, 51149 Cologne, Germany
16	Dekra SE	Jägerstr. 36, 70174 Stuttgart, Germany
17	TÜV SÜD AG	Goethestr. 4, 80336 München, Germany
18	TÜV Rheinland AG	Am Grauen Stein, 51105 Köln, Germany
19	TÜV Nord AG	Große Bahnstr. 31, 22525 Hamburg, Germany
20	iTech Labs	Unit 1, 20 Duerdin Street, Clayton, VIC 3168, Australia

Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган
ўйинларни, лотерея ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятини лицензиялаш
тўғрисидаги низомга

З-ИЛОВА

**Интернет тармоғидаги ўйинларни, лотереяларни ташкил этиш ҳамда букмекерлик фаолияти ташкилотчиларининг
раҳбарияти (раҳбар ва ўринбосарлари) ва таъсисчилари ҳақидаги
МАЪЛУМОТЛАР**

1-жадвал

Интернет тармоғидаги ўйинларни, лотереяларни ташкил этиш ҳамда букмекерлик фаолияти ташкилотчиларининг раҳбарияти (раҳбар ва ўринбосарлари)							
Лавозим	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Фуқаролик	ЖИШШИР (Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун)	Шахсни тасдиқловчи ҳужжат			
				Ҳужжат тури	Серияси ва рақами	Берилган санаси ва амал қилиш муддати	Ким томонидан берилган
1	2	3	4	5	6	7	8

2-жадвал

Интернет тармоғидаги ўйинларни, лотереяларни ташкил этиш ҳамда букмекерлик фаолияти ташкилотчиларининг таъсисчилари

Фамилияси, исми ва отасининг исми ёки юридик шахснинг номи	Улуш Ҳажми	Фуқаролик (жисмоний шахслар учун) ёки давлат рўйхатидан ўтказилган жой (юридик шахслар учун)	ЖИШШИР (жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун) ёки СТИР (юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун)	Шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки давлат рўйхатидан ўтказиш			
				Ҳужжат тури	Серияси ва рақами	Берилган санаси ва амал қилиш муддати	Ким томонидан берилган
1	2	3	4	5	6	7	8

Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни, лотерея ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга

4-ИЛОВА

Интернет тармоғидаги ўйинларни, лотереяларни ташкил этиш ҳамда букмекерлик фаолияти ташкилотчиларининг устав капиталидаги улушини потенциал сотиб олувчи юридик шахснинг раҳбарияти (раҳбар, унинг ўринбосарлари)

ва таъсисчилари Ҳақидаги
МАЪЛУМОТЛАР

1-жадвал

Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчисининг устав капиталидаги улушини потенциал сотиб олувчи – юридик шахс раҳбарияти (директорлари ва ўринбосарлари)							
Лавозим	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Фуқаролик	ЖИШПИР (Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун)	Шахсни тасдиқловчи ҳужжат			
				Ҳужжат тури	Серияси ва рақами	Берилган санаси ва амал қилиш муддати	Ким томонидан берилган
1	2	3	4	5	6	7	8

2-жадвал

Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчисининг устав капиталидаги улушини потенциал сотиб олувчи – юридик шахснинг таъсисчилари

Фамилияси, исми ва отасининг исми ёки юридик шахснинг номи	Улуш Ҳажми	Фуқаролик (<i>эҳисмоний шахслар учун</i>) ёки давлат рўйхатидан ўтказилган жойи (<i>юридик шахслар учун</i>)	ЖИШШИР (<i>эҳисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун</i>) ёки СТИР (<i>юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун</i>)	Шахсни тасдиқловчи Ҳужжат ёки давлат рўйхатидан ўтказиш			
				Ҳужжат тури	Серияси ва рақами	Берилган санаси ва амал қилиш муддати	Ким томонидан берилган
1	2	3	4	5	6	7	8